

2018-12-20 16:58

Уюшманинг расмий веб-сайтига маълумотларни киритиб бориш бўйича масъул:
КАЛАЧЕВ ЕВГЕНИЙ АНАТОЛЬЕВИЧ тел: 239-46-82 (мобил.: (99) 848-29-84, (90) 175-29-84)

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати қарор ва фармойишларини ижросини таъминлаш, АКТни ривожлантириш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлимига юклатилган.

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасининг [2018 йил 8 январдаги 03-сонли буйруғи](#) билан тасдиқланган.

[“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот](#)

[воситалари билан алоқалар” бўлинмаси](#)

[НИЗОМИ](#)

I. Умумий қоидалар

1.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 20 октябрда қабул қилинган ПҚ-3344 сонли қарорининг 3 - иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси ижро этувчи аппарати тузилмасига асосан “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан билан алоқалар (бундан буён Бўлинма деб юритилади) ташкил этилиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, йиғилиш баёнлари, кўрсатмалари, шунингдек “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасининг (бундан буён Уюшма деб юритилади) буйруқлари, уюшма ва унинг таркибий бўлинмаларига Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича хизмат кўрсатиш, ташкил этишни таъминлайди, уюшмаси топшириқлари асосида амалга оширади.

1.2 Бўлинма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига, Олий Мажлис Палаталари қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек 2005 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 62-сон қарори ва фармойишларига, шунингдек Уюшмасининг буйруқлари, қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.3 Бўлинма ўз фаолиятини Уюшма раиси раҳбарлигида амалга оширади ва унга бўйсунди.

1.4 Бўлинма ўз фаолиятини Уюшма марказий девонининг бошқарма ва бўлимлари, таркибидаги мева-сабзвот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

1.5 Уюшманинг Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш, жамоатчилик ва оммавий ахборот

воситалари билан алоқалар бўлинмаси 4 нафар мутахассислардан ташкил топган.

1.6 АКТ бўйича масъул мутахассислар Уюшма раҳбариятига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти”га бўйсунди ҳамда уюшма таркибидаги корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказлари, “Ўзбекистон Алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси”, “Uzinfocom” ва “Unicon.uz” давлат корхоналари билан ҳамкорликда ишлайди.

1.7 АКТ бўйича масъул мутахассислар белгиланган тартибда Уюшманинг марказий аппарати бошқарма, бўлимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Озиқовқаттаъминот» ҳудудий филиаллари, уюшма таркибидаги корхоналар билан яқин келажакда мўлжалланган дастурлар ва иш режалар, юқори ташкилотларнинг топшириқлари, Уюшма ҳайъат қарорлари, буйруқлари ва АКТ соҳасини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича раҳбарият топшириқлари бажарилишини мунтазам равишда таҳлил қилиб боради ва уюшма топшириғига биноан уюшма марказий аппарати йиғилишларида ҳисобот беради.

1.8 АКТ масъул мутахассислар ўз ишини ойлик, чорак, ярим йиллик ва йиллик иш режаси асосида олиб боради.

II. “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмасининг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

2.1 Қуйидагилар асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал электрон қабулхонаси cabinetpm2.gov.uz, Ягона интерактив давлат портали official2gov.uz ҳамда Уюшманинг расмий веб-саҳифаси орқали Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган электрон, ёзма ва оғзаки мурожаатларни ўрнатилган тартибда қисқа муддатда кўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги Р-5017-сонли фармойиши 1а иловадаги 17-бандига мувофиқ, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги “Ижро назорати”нинг 16-бандида берилган топшириқлар ижросини сифатли таъминлаш юзасидан “Идоралараро интеграцион платформа” (ijro.gov.uz) тизимига уланиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги “Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2158-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 232-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакаларини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 73-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат хокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестасиядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 289-сонли қарорининг ижросини таъминлаш;

2.2 “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

“Ўзбекизоқиқовқатзахира” уюшмаси фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

Уюшма тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолати юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан экспертизадан ўтказиш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказларига ҳар чорақда чора-тадбирлар режасида белгиланган ишларни ижро ҳолати бўйича маълумот тақдим этиб бориш;

Уюшма расмий веб-саҳифасини юритиш, фаолиятини ташкиллаштириш вазифаси юзасидан “Facebook, Davra.uz, Telegram, Muloqot.uz” миллий ва хорижий ижтимоий тармоқларга фаолиятга доир фото, видео ва расмлар, тегишли маълумотлар жойлаштириш;

Уюшма марказий аппаратида ахборот хавфсизлиги, тизим ва манбаларни ҳимоялаш бўйича “Ахборот хавфсизлиги сиёсати” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказига, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизматида киритиш ҳамда иш фаолиятида фойдаланиш;

Уюшманинг ахборот хавфсизлиги сиёсати билан марказий девоннинг барча ходимларини, шу жумладан янги ишга қабул қилинган ҳамда синов муддатидан ўтган ходимларни таништириб бориш;

Ҳар бир ходим компютеридаги маълумотларнинг дахлсизлигини кафолатланиши учун локал ҳисоблаш тамроғидан фойдаланишда компютернинг асосий ресурсига киришга чекловлар қўйиш, бошқалар билан ахборот алмашишда тармоқ учун мўлжалланган алоҳида каталоглардан фойдаланишини назорат қилиш;

Уюшмада локал компютер тармоғи ҳолатини таҳлил қилиш ва тармоққа уланган компютер техникаларини назоратдан ўтказиш;

Уюшманинг “Марказий девонида компютер техникаси, локал ва интернет тармоғидан фойдаланиш Тартиби” ва “Интернет тармоғида манбалар билан ишлаш қоидалари”га асосан ходимлар иш компютерини назорат қилиш;

Уюшманинг сервер хонасини O’z Dst 2590-2012 Ўзбекистон давлат стандарти ва RH45-201:2011 раҳбарий ҳужжат талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш;

Уюшмада лицензияга эга бўлган дастурий таъминотларни лицензия муддатини узайтириш ҳамда қўшимча лицензиялар ҳарид қилиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;

Уюшма ва таркибдаги корхоналарда ахборот хавфсизлигига масъул ходимларни малакасини тизимли равишда оширишни ташкил этиш;

Уюшмада мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўқув семинарларини ташкил қилиш;

Уюшманинг “ict.nis.uz” тизимидаги АКТни ривожлантириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда ҳаққоний маълумотларни киритиш;

Уюшмада ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш, маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш, автоматлаштириш масаласида махсус дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Ахборот тизимлари ва расмий веб-саҳифани ахборот хавфсизлиги бўйича экспертизадан ўтказилишини чораларини кўриш;

Бошқарув жараёнини компьютерлаштириш тизимини ишга тушириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича масъул ходимларни буйруқ асосида тайинлаш ҳамда замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиш, ички локал тармоқни ишга тушириш, веб-саҳифасини ташкил этиш, ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлари бўйича Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Озиқовқаттаъминот» ҳудудий филиаллари, таркибдаги корхоналарига таклиф ва тавсиялар бериш;

Ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатини ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш, автоматлаштириш бўйича дастурлар мажмуини амалга ошириш;

ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот-технологиялари бўйича ўзаро муносабатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда маълумотлар базаларини яратишни таъминловчи уюшманинг инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш;

уюшманинг барча бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш жараёнларини меъёрий-ҳуқуқий, техник ва ахборот-таҳлил маълумотлар билан таъминлаш;

уюшма расмий веб-саҳифасини такомиллаштириш ва доимий фаол ишлашини таъминлаш;

интернет тармоғида уюшманинг веб-ресурсларини ташкил этиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмасини жорий этиш ва ривожлантириш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда уни замонавий даражада сақлаш;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро муносабатларни амалга ошириш;

Раҳбариятнинг назоратида бўлган топшириқларнинг аниқ ва тўлиқ бажарилишини таҳлил қилиб бориш;

Уюшма томонидан қабул қилинган буйруқлар ва Бошқарув қарорларининг бажарилиши устидан ўтказилган таҳлиллар асосида тегишли ҳужжатларни тайёрлашда қатнашиш ва тегишли таклифлар киритиш;

Уюшма Бошқаруви мажлислари кун тартибига киритилган бўлимнинг ваколати доирасидаги масалаларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш мақсадида бошқарма ва бўлимлар томонидан Бошқарув қарори лойиҳалари ва маълумотларини тайёрлашни ташкил қилишда

иштирок этиш;

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Озиқовқаттаъминот» ҳудудий филиаллари, уюшма таркибидаги корхоналарга давлат ва хўжалик бошқаруви органларига расмий ҳужжатларни етказиш учун ҳимояланган электрон почтани ишга тушириш ва тўлиқ юборишни таъминлаш;

Бошқарув мажлисига тааллуқли ҳужжатларни (қарор, баённома) рўйхатдан ўтказиш ва кўпайтириш ва ижрочиларга етказилишини таъминлаш.

Уюшма раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш; ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

Миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Уюшма фаолиятининг долзарб жиҳатларини, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

Интернет тармоғида Уюшма веб-сайтини ахборот билан таъминлаб бориш;

Уюшмага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида Уюшма раҳбариятини хабардор қилиш.

2.3 “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмасининг функциялари қуйидагилардан иборат:

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Озиқовқаттаъминот» ҳудудий филиаллари, таркибидаги корхоналарда замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан ва маълумотларни қайта ишловчи аппарат воситаларидан, алоқа ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ва уюшма раҳбарига тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологияларини, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш ва ходимларни малакасини ошириш бўйича уюшманинг бизнес-режа ва ҳаражатлар сметаларида алоҳида бандлар кўрсатиш юзасидан таклифлар, иш-режалар, чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

уюшманинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича режалар ишлаб чиқиш, келишиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказларига юбориш ва уюшма раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этиш;

уюшманинг корпоратив тармоғини, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоғи, дастурий-аппарат воситалари, маълумотлар алмашиш ва сақлаш воситаларини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ваколати доирасидаги ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорлари ижросини таъминлаш;

уюшманинг веб-ресурсларини маълумотлар билан тўлдириш, тузилмасини, таркибини ва интерактив хизматларини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан ахборот киритиб бориш;

уюшманинг фаолияти йўналишларида статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар банкларини яратиш;

уюшмада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимларини яратиш.

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни Уюшманинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш; оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

Уюшма фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

Уюшма раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжуманлари, брифинглари, мусоҳабалари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш; Вазирлик фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш;

Оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

Уюшма фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ахборот хизмати ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Уюшма фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.

2.4 “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмасининг қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига берилган ваколатлар доирасида уюшма бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Озиқовқаттаъминот» ҳудудий филиалларидан, таркибига кирувчи барча корхоналардан зарурий маълумот ва бошқа турдаги ҳужжатларни сўраб олиш;

уюшманинг барча мажлис, йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

белгиланган вазифаларни бажариш уюшма раҳбари билан келишилган ҳолда АКТ бўлинмасининг олдида қўйилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида юқори малакали эксперт ходимларини шартнома асосида ишга жалб қилиш;

бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органлари, республика ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда АКТ масъул мутахассислар ваколатига тааллуқли масалалар бўйича уюшма номидан вакиллик қилиш;

уюшма марказий аппаратида компьютер техникаси, локал, корпоратив ва интернет

тармоқларидан фойдаланиш Тартибини ишлаб чиқиш, Бошқарма ва бўлим ходимларининг мазкур “ТАРТИБ” талабларига қатъий риоя этишлари ва ўз хизмат фаолиятларини амалга оширишлари шахсан бошқарма ва бўлим бошлиқлари зиммасига юклатиш, ўз иш фаолиятидан ташқари бошқа ишлар билан шуғулланган, Интернет тармоғидан тааллуқли бўлмаган маълумотларни, жумладан, (кино, мусиқа, видео кўринишдаги ва компьютер иш унумини пасайтирадиган дастурлар) қўчириш ва томоша қилишни таъқиқлаш “ТАРТИБ” талабларига қатъиян риоя қилмаган ходимларга нисбатан чора кўриш тўғрисида раҳбариятга таклиф киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги 73-сон қарорига биноан, 2017-2018 йилларда ўқитиладиган ходимларнинг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” ўқув маркази томонидан ташкил этилган ўқув курсларида Уюшманинг марказий аппарати ходимлари, вилоятлардаги ҳудудий “Озиқовқаттаъминот” филиаллари, корхоналар ходимларни билим ва кўникмаларини ошириш;

Уюшма марказий аппарати ходимлари, вилоятлардаги уюшманинг ҳудудий “Озиқовқаттаъминот” филиаллари, таркибдаги корхоналарнинг АКТ масъул ходимларини малакасини тизимли равишда оширишни ташкил этиш;

Уюшма марказий аппарати ходимлари, вилоятлардаги уюшманинг ҳудудий “Озиқовқаттаъминот” филиаллари, таркибдаги корхоналар ходимлари КСБТ дастури бўйича аттестациядан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори асосида, Уюшма таркибдаги корхоналарда АКТ жорий этиш ҳолатини мониторинг қилиш;

Ахборот хизматнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотларни Уюшманинг бошқа бўлинмаларидан, Уюшмага таркибдаги корхоналардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Уюшманинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

Қўйилган вазифаларни бажариш учун Уюшма раҳбари билан келишган ҳолда Уюшманинг бошқа бўлинмалари ходимларини, шунингдек бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш;

Бошқа идораларнинг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Ахборот хизмати ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Уюшма номидан вакиллик қилиш;

Ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

Уюшманинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Ахборот хизмати фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

2.5 “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Уюшманинг иш тартибига риоя қилиш;

уюшма раҳбарияти томонидан берилган топшириқлар ва кирим қилинган ҳужжатларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш;

ўзининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга жавобгар.

2.6 “Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси:

мазкур ҳужжатда кўрсатилган ва кейинчалик юклатиладиган вазифаларни ижроси учун шахсан жавоб беради;

ички меҳнат тартиби ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг йиғилиш баёнлари, кўрсатмалари, шунингдек “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси раҳбарининг топшириқларини бўлим томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган тартибларга қатъий риоя қилиш ва амалга ошириш ҳамда ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, уюшмани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан идора раҳбарига таклифлар киритади;

уюшма миқёсида йирик муаммо ва масалалар кўриладиган йиғилишларда иштирок этади, муаммолар ечимлари бўйича таклифлар тайёрлайди;

ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқади ва компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича таклифларни Уюшма раҳбарига тасдиқлашга киритади;

юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун идоранинг ходимлари, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари, корхона ва ташкилотлар мутахассисларини жалб қилади;

уюшма раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3. Бўлинмани тугатиш ва қайта ташкил этиш:

3.1. Бўлинма белгиланган тартибда Уюшма раисининг буйруғи билан тугатилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлими бошлиғи - Нурмухамедов Абдукарим Абдулазизович

телефон рақами: 0 (371) 239-46-82

корпоратив электрон

манзили: a.nurmuxamedov@uzsavdo.uz, a.a.nurmuxamedov@umal.uz

e-mail.: uzsavdo@umail.uz

e-xat.: aktuzsavdo@exat.uz

web-site.: uzsavdo.uz

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасининг 2018 йил 8 январдаги 03-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси
бошлиғи лавозим
ЙЎРИҚНОМАСИ**

Бўлим бошлиғи - Нурмухамедов Абдукарим Абдулазизович

Асосий вазифалари:

Ўз лавозимидаги вазифаларни бажаришда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқ ва мажлис баёнларига амал қилади.

Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баённомалари, таалуқли вазирлик, ташкилотлар қарор ва фармойишлари, уюшма томонидан қабул қилинган буйруқлар ва ҳайъат қарорларига ҳамда мазкур Низомга асосан амалга оширади ва бошқа ҳужжатларда қайд этилган топшириқ ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустақамланиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли қарори, шунингдек 2005 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 62-сон қарори ва фармойишларига, Уюшма раиси топшириқларига ва уюшма раиси томонидан тасдиқланган иш режага амал қилади. Уюшманинг раҳбариятига бўйсунди ҳамда берилган топшириқларнинг ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича вазирлик ҳамда идоралар томонидан уюшмага келишиш учун тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармони, қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ва фармойиши лойиҳаларининг Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда кўриб чиқишни, таклиф ва хулосаларини берилишини ташкил қилади.

Уюшма ҳамда тизимдаги корхоналарда замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлардан ва маълумотларни қайта ишловчи воситаларидан, алоқа ва маълумотлар узатиш воситаларидан фойдаланиш, ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ва уюшма раҳбарига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти”га бўйсунди ҳамда уюшма таркибидаги корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказлари, “Ўзбекистон Алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси”, “Uzinfocom” ва “Unicon.uz” давлат корхоналари билан ҳамкорликда ишлайди.

Уюшманинг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича режа

лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказларига юбориш ва уюшма раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Уюшманинг корпоратив, ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари, дастурий-воситалар, маълумотлар алмашиш ва сақлаш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Уюшманинг веб-ресурсларини маълумотлар билан тўлдириш, тузилмаси таркиби ва интерактив хизматларини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишни ташкил этади. Уюшманинг фаолияти йўналишларида статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимларини яратади. Уюшманинг мажлис, йиғилиш ва бошқа тадбирларида қатнашади:

бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун Уюшма раҳбариятга тақдим этади;

ижро интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўриш тўғрисида раҳбариятга таклиф киритади;

Уюшмада “Ахборот хавфсизлиги сиёсати бўйича лойиҳа”ни ишлаб чиқишини ташкиллаштиради ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритади.

Уюшмада “2018-2020 йилларда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегияси лойиҳасини” ишлаб чиқишини ташкил қилади ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юборади.

Уюшмада ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш тизимини тўлиқ ишга туширилишини ташкил қилади.

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасида Ахборот тимизидан фойдаланиш шароитларини электрон калит ва электрон рақамли имзо орқали амалга оширилишини таъминлайди.

Уюшма ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини доимий равишда янгилайди ва ваколатли орган тасдиғига тақдим этади.

ҳар чорак якунида амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказларига маълумотларни юборилишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан ахборот киритиб бориш;

уюшманинг фаолияти йўналишларида статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар банкларини яратиш;

уюшмада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимларини яратиш.

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни

АКТ махсус бўлинмаси

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси сайтида нашр этилган (<http://uzsavdo.uz>)

Уюшманинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш; оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

Уюшма фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

Уюшма раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжуманлари, брифинглари, музоҳабалари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш;
Уюшма фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш;

Оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

Уюшма фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ахборот хизмати ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Уюшма фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.

“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлимининг бош мутахассиси - Калачев Евгений Анатольевич

телефон рақами: 0 (371) 239-46-82

корпоратив электрон манзили: it@uzsavdo.uz

e-mail.: uzsavdo@umail.uz

e-xat.: aktuzsavdo@exat.uz

web-site.: uzsavdo.uz

“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси бош мутахассисининг лавозим

ЙЎРИҚНОМАСИ

Бош мутахассиси - Калачёв Евгений Анатольевич

Асосий вазифалари:

Ўз лавозимидаги вазифаларни бажаришда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқ ва мажлис баёнларига амал қилади.

Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Олий

мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баённомалари, таалукли вазирлик, ташкилотлар қарор ва фармойишлари, уюшма томонидан қабул қилинган буйруқлар ва ҳайъат қарорларига ҳамда мазкур Низомга асосан амалга оширади ва бошқа ҳужжатларда қайд этилган топшириқ ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли қарори, шунингдек 2005 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 62-сон қарори ва фармойишларига, Уюшма раиси топшириқларига ва уюшма раиси томонидан тасдиқланган иш режага амал қилади.

Уюшманинг раҳбариятига бўйсунди ҳамда берилган топшириқларнинг ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Уюшма ҳамда тизимдаги корхоналарда замонавий ахборот технологияларидан, дастурий маҳсулотлар ва маълумотларни қайта ишловчи тизимлардан, алоқа ва маълумот узатиш воситаларидан фойдаланишни таъминлаш ва уларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар тайёрлайди, бўлим бошлиғи билан келишилган ҳолда уюшма раҳбариятига тақдим этади.

Уюшма тизимидаги корхоналарида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ва масъул ходимларни малакасини ошириш бўйича ҳолатини ўрганиб чиқиб, мазкур ҳолат юзасидан таклифлар, иш-режалар, чора-тадбирлар, дастурларни Бўлим бошлиғи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади ва Уюшма раҳбариятига тасдиқлаш учун киритади.

Уюшма раҳбариятига ҳамда Уюшма томонидан берилган топшириқларнинг ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, ишга масъулият билан ёндашади, ижро интизомига амал қилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича режалар ишлаб чиқишда бўлим бошлиғи билан келишилган ҳолда иш юритади ва уюшма тизимидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти”га бўйсунди ҳамда уюшма таркибидаги корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ҳамда вазирлик ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш” марказлари, “Ўзбекистон Алоқа ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси”, “Uzinfocom” ва “Unicon.uz” давлат корхоналари билан ҳамкорликда ишлайди.

“ТАРТИБ” талабларига қатъян риоя этмаган ва ўз иш фаолиятдан ташқари бошқа ишлар билан шуғулланган ходимлар юзасидан таклифлар тайёрлаб Бўлим бошлиғи билан келишилган ҳолда уюшма раҳбариятга маълумот киритади.

Зарур ҳолда тизимдаги корхоналарига, соҳани ривожлантириш бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

Уюшмада “Ахборот хавфсизлиги сиёсати” ва “2018-2020 йилларда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Стратегия лойиҳаларини” ишлаб чиқишда иштирок этади.

**“Ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар” бўлинмаси
бош мутахассисининг лавозими**

ЙЎРИҚНОМАСИ

Бош мутахассиси - Байкулов Ровшан Хайтмуротович

Асосий вазифалари:

Ўз лавозимидаги вазифаларни бажаришда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқ ва мажлис баёнларига амал қилади.

Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баённомалари, таалуқли вазирлик, ташкилотлар қарор ва фармойишлари, уюшма томонидан қабул қилинган буйруқлар ва ҳайъат қарорларига ҳамда мазкур Низомга асосан амалга оширади ва бошқа ҳужжатларда қайд этилган топшириқ ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли қарори, шунингдек 2005 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти тўғрисида”ги 62-сон қарори ва фармойишларига, Уюшма раиси топшириқларига ва уюшма раиси томонидан тасдиқланган иш режага амал қилади.

Уюшманинг раҳбариятига бўйсунди ҳамда берилган топшириқларнинг ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Уюшма раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш; ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;

Миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Уюшма фаолиятининг долзарб жиҳатларини, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиш;

Интернет тармоғида Уюшма веб-сайтини ахборот билан таъминлаб бориш;

Уюшмага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари муносабатини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида Уюшма раҳбариятини хабардор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан ахборот киритиб бориш;

уюшманинг фаолияти йўналишларида статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар банкларини яратиш;

уюшмада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашнинг самарали тизимларини яратиш.

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотларни Уюшманинг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва ишлаш; оммавий ахборот воситалари учун хабарларни (пресс-релизлар, бюллетенлар, обзорлар ва шу кабиларни) тайёрлаш ва тарқатиш;

Уюшма фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, теле ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

Уюшма раҳбарияти ва ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжуманлари, брифинглари, мусоҳабалари ва бошқа учрашувларини ташкил этиш; Вазирлик фаолиятига доир масалалар бўйича ижтимоий фикрни ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга ошириш;

Оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банкини ташкил этиш;

Уюшма фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ахборот хизмати ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг Уюшма фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.